МОБИЛ ТАЬЛИМ ВА МОБИЛ ПЛАТФОРМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОЛАРИ

Марғубахон Юнусалиевна Эшназарова
Наманган Давлат Университети педагогика фанлари номзоди, доценти

Садриддин Тожиддин ўғли Настинов
Наманган Давлат Университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мобил таълим, мобил таълимнинг педагогик асослари, ривожланиш тенденциялари, мобил платформалар, уларнинг тахлиллари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: мобиллик, платформа, педагогика, технология

THEORETICAL BASIS OF MOBILE LEARNING AND USE OF MOBILE PLATFORMS

Margubahon Yunusalievna Eshnazarova
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor, Namangan State University

Sadriddin Tojiddin oglu Nastinov
Teacher, Namangan State University

ABSTRACT

The article describes mobile education, pedagogical foundations of mobile education, development history, mobile platforms and their analysis.

Keywords: mobile, platform, pedagogic, technology

КИРИШ

Технологик нуқтаи – назарга кўра, мобил таълим – WAP ёки GPRS технологияси ёрдамида, Интернетга чиқа олувчи, материалларни излаш ва олиш, форумда саволларга жавоб бериш, синаб (тестлаб) кўриш каби имкониятларга эга бўлган ихтиёрий портатив мобил қурилмада ўқув материалларини узатиш ва қабул қилиб олишдир.

Мобил таълим - бу ихчам, кўчма, мобил қурилмалар ва технологиялар орқали мунтазам равишда олиб бориладиган фаолият бўлиб, таълим олувчиларга

ахборот олиш ёки яратиш, мулоқот қилиш орқали таълим жараёнини янада самарали бўлишига имкон беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мобил таълим - бу ҳар қандай форматдаги маълумотларни шахсий мобил қурилмаларга қабул қилиб олиш ёки тақдим этиш имкониятидир.[2]

Ж. Трахлернинг[4] таъкидлашича: «Мобил таълим бутун таълим жараёнини ўзгартириб юборади.Таълим ўз вақтида етарли ва индивидуаллаштирилган бўлиб қолади».

Д.Келли[3] мобил таълим–бу ўқув материалларини кичик экранга кўчириш ва мобил қурилмалардан фойдаланиш жараёни эмас, балки инновацион таълим шаклларини жорий этиш йўли: таълим микроблоглари, янгиликлар лентаси, ўқув курси эшиттиришлари ва бошқалар билан ишлаб чиқиладиган инновацион мобил таълим материалларини ишлаб чиқиш жараёни эканлигини таъкидлайди.

Таълим жараёнида мобил технологиялардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

1. Иштирок этишни назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги (Иштирокни мониторингқилиш);
2. Таълим жараёнининг руҳлантирувчи (мотивацион) характерга эгалиги;
3. Таълим олувчиларнинг билим даражасини бир хил назорат қилиш;
4. Ўқувжараёништирокчилари ўртасидаахборот алмашинувини жадаллаштириш;
5. Таълим олувчиларнинг шахсий психологик ва физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашишда мобил қурилмаларнинг мослашувчанлиги (Индивидуал ёндашув).

Шундай ҳолатда таълим олувчиларда ўқув ресурсини ўзлаштириш ва эслаб қолиш самарадорлиги ошади, таълим олиш мотивацияси ривожланади. Агарки таълим олувчиларда топшириқларни бажаришга қизиқиш бўлса, бундай ҳолда ихтиёрий ўқитувчи аудитория жонланиши, таълим олишга мотивация ривожланиши ҳамда ўзлаштириш самарадорлиги ошишини ҳеч иккиланмасдан айта олиши мумкин бўлади.

Талаба таълимнинг анъанавий кундузги шаклидаги дарс машғулотларини лойиҳалаштиришда мобил технологиялардан фойдаланиш жараёнига турлича ёндашиши мумкин. Масалан, А. Амиров, А.Ашимбекова, А.Темировалар[1] ўқув жараёнида мобил қурилмалардан фойдаланишни қуйидаги гуруҳларга тақсимлашган:

- ❖ Мултимедияли ўқув – web ресурслар (аудио файллар,

видеофильмлар, графика, харита ва тасвирлар)ни намойиш этиш учун;

- ❖ Ўқув сайтлари, ресурслар, маълумотномалар, луғатларга тезкоркиришни таъминлаш;
- ❖ Таълим жараёнидаги мулоқотни таъминлаш учун (СМС хабарлар, Twitter, Telegram, Web семинарлар вабошқалар).

НАТИЖАЛАР

Ю. Шишковская[5] мобил қурилмалардан таълим мақсадларида фойдаланишнинг бир неча йўли ҳақида гапирганда қуйидагиларни санаб ўтган:

Биринчидан, мустақил таълим олиш: Бунда, мобил таълим технологиялари асосида материаллардан фойдаланишнинг қулайлиги ва соддалиги, интерактивлик ҳамда ўз ўзини бошқариш ва ўзини ўзи баҳолаш имконини берувчи махсус иловалар мавжудлиги учун мустақил таълим олиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, M-Learning ғоялари таълим тизимида, шунингдек, олий таълим муассасаларида анъанавий ўқув жараёнида ҳам бирдек қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, мобил таълим масофавий ёки корпоратив ўқув курсларига самарали тўлдирувчи вазифасини ўташи мумкин.

Мобил платформалар Android, Windows Phone, IOS ҳақида маълумот бериб ўтсак (1-жадвал):

Android платформаси аллақачон Wi-Fi Direct, NFS-ни қўллаб-қувватлайди ва мултимедиа файлларини узатишга имкон беради. Шунингдек, ушбу операцион тизимга асосланган смартфон ва планшет компютерларни USB порт орқали улаш мумкин: камералар, телевизор тюнерлари, флеш-хотира воситалари. Ўрнатилган ва янгиланган хавфсизлик тизими сертификациз ва зарарли дастурларни қабул қилишга йўл қўймайди. Андроид 4.3 (JellyBean) версиясида Bluetooth smart функциялари қўллаб-қувватланади, бу сизга ҳар қандай Bluetooth қурилмалари билан наушниксиз алоқа қилиш имконини беради ва сиз OpenGLES3.0 дастури билан ишлашингиз мумкин.

Windows Phone 8-нинг чиқарилиши билан фойдаланувчилар ўзларининг смартфонларини, планшет компютерларини ва шахсий компютерларини битта тизимга бирлаштириш имкониятига ега бўлмоқдалар (бу мобил дастурлар ишлаб чиқувчиларига дастурларни турли хил қурилмаларга кўчириш имкониятини беради). Ушбу платформанинг асосий фарқи - бу фонда дастурларни ишга тушириш ва оператив хотиранинг ҳажмини мустақил бошқаришдан иборат.

IOS мобил платформаси содда ва тушунарли интерфейсга эга бўлиб,

дастурий таъминот тез ва самарали ишлайди. Ишончли хавфсизлик тизимига эга бўлиш шубҳали дастурларни ишга туширишининг олдини олади ва шу билан тизимга зарар етказади. Ушбу платформанинг камчиликлари шундаки, у NFS ва Wi-Fi Direct технологияларини қўллаб-қувватламайди, шунинг учун мусиқани фақат iTunes орқали юклаб олиш мумкин. Қўшилган янгиликлар сизга мусиқани онлайн тинглаш имконини беради.

1-жадвал

Мобил телефонлар учун операцион системаларнинг статистикаси	**%**
Android	70,43
iOS	29,06
Samsung	0,16
KaiOS	0,11
Windows	0,07
Tizen	0,02
Series 40	0,02
Nokia	0,02
BlackBerry OS	0,01
Linux	0,01
Other	0,09

МУҲОКАМА

Бугунги кунда таълим мақсадлари йўлида муваффақиятли ишлатилиши мумкин бўлган бир қатор мобил иловалар мавжуд. Ўқитувчилар учун дарс жараёнида мобил технологияларниқўллашда фойдали бўлиши мумкин бўлган айрим манбаларни батафсил кўриб чиқамиз.

Бугунги кунга келиб, мобил технологиялари ривожланиб боргани сари, ақлли телефон (smartphone)лар ўз фойдаланувчиларига исталган вақтда, ўзлари истаган электрон китобни мутолаа қилиш, ўзлари қизиққан соҳа сир-

синоатларини ўрганиш, қисқа қилиб айтганда таълим олишлари учун ажабланарли даражада имкониятлар яратиб яхши дўст бўлишгаулгурди.

Смартфонлар кўп мақсадли қурилмалардир. Электрон китобларни ўқиш ҳеч қачон уларнинг асосий мақсади бўлмайди, албатта. Бироқ, улар ихтиёрий жойда ва исталган вақтларда китоб ўқишга шароит яратиши билан жуда фойдали.

ХУЛОСА

Мобил илова кўринишидаги дарслик ва ўқув қўлланмалар таълим олувчиларга қуйидаги афзалликларни тақдим этади:

- аввалambор, оғир китобларни ўзингиз билан олиб юришга ҳожат қолмайди. Барча зарур дарсликлар, китоблар ва қўлланмалар исталган вақтда қўлингиздабўлади;
- мобил китоблар йўқолиб қолмайди, йиртилмайди ваэскирмайди;
- мобил дарсликлар фойдаланиш учун жудақулай бўлиб, улардан фойдаланганда созламаларни ўзингизга мос ҳолда ўрнатишингиз мумкин, яъни матнни каттароқ шрифтда кўриш, расмларни катталаштириш, керакли жойларда хат чўплар ўрнатиш, мутолаани келган жойдан давом эттириш ва ҳоказолар;
- мобил дарслик ва ўқув қўлланмалар мавзуни мустақил ўрганиш ва билимларни мустаҳкамлашда кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар

REFERENCES

1. Амиров А. Ж., Ашимбекова А. М., Темирова А. Е.Рольсовременных мобильных приложений в учебном процессе вуза \\ Молодой ученый. 2017.— №1. — С. 13-15. — УРЛ https:\\moluch.ru\archive\135\37927\
2. Еремин Ю., Крылова Е.. Использование мобильных технологий в самостоятельной работе студентов по иностранному языку в неязыковомвузе.http: \\goo.gl\xpmi
3. Келли Д. Тонкостизапуска проектовпо мобильномуобучениюhttp: \\ www.ispring.ru\elearning-insighs\debbi-richards-pro-m-learning\
4. Трахлер.Ж. Surrent state of mobile learning \\ Mobile learning: Transforming the Delivery of Education and Training.-2009.(http:\\www.aupress.sa\index.php\books\120155)
5. Шишковская.Ю. Электронные учебники: рекомендации по разработке, внедрению и использованию интерактивных мультимедийных электронных учебников нового поколения для общего образования на базе современных

мобильных электронных устройств. - М.: Федеральный институт развития образования, 2012.
6. Эшназарова М. Мобиллик - олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида. НамДУ Илмий ахбороти№12, Наманган, 2019 йил, -327-332.
7. Эшназарова М. Некоторые требования и принципы мобильного обучения. НамДУ Илмий ахбороти№2, Наманган, 2019 йил, -Б. 270-274
8. Akhmedov, B. A., & Khasanova, S. K. (2020). Public education system methods of distance in education in development of employees. *Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, *1*(1), 252-256.
9. Ахмедов, Б. А. (2020). Математические модели оценки характиристик качества и надежности программного обеспечения. *Eurasian Education Science and Innovation Journal*, *3*(10), 97-100.
10. Гулбоев, Н. А., Дуйсенов, Н. Э., Ахмедов, Б. А., & Рахманова, Г. С. (2020). Модели систем управления электрическими сетями. *Молодой ученый*, *22*(312), 105-107.
11. Мухамедов, Ғ. И., Ахмедов, Б. А. (2020). Инновацион “Klaster mobile” иловаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 140-145.
12. Ахмедов, Б. А. О развитии навыков интерактивных онлайн-курсов в дистанционных условиях современного общества (модель-программа для преподавателей образовательных учреждений). Журнал «Universum: технические науки» (Издательство «МЦНО») ЭЛ № ФС77-54434 ISSN: 2311-5122 //URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/10992.